2007 ЙИЛ, 24 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (10.971)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА 2007 ЙИЛГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида кўзда тутилган 3 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2007 йил учун, истисно тариқасида, 6 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2007 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

**Биринчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:**

фан ва техника соҳасида:

– **Собир Юнусович Юнусов** (марҳум), **Фарҳод Набиевич Жаҳонгиров, Равшанбек Давлетович Курбонов, Шомансур Шоҳсаидович Саъдуллаев, Олимжон Зоирович Содиқов**га — "Янги антиаритмик таъсирга эга бўлган "Аллапинин" доривор препарати асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш ҳамда йирик ҳажмларда ишлаб чиқишни ташкил этиш" мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида:

– **Озод Шарафиддинов**га (марҳум) — "Ижодни англаш бахти" ва "Довондаги ўйлар" асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

– **Анвар Йўлдошевич Эргашев**га — "Ҳумо" балети учун.

**Иккинчи даражали давлат мукофотлари** қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— **Эдвард Васильевич Ртвеладзега** — "Марказий Осиё тарихи ва маданияти тарихи" мавзусидаги ишлари туркуми учун;

– **Илҳом Ғафурович Отабоев, Амин Сафарбоевич Саидов, Мухтор Сафарбоевич Саидов**га — "Янги яримўтказгич қаттиқ қоришмалар ва уларда киришмалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар" мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида:

– **Муҳаммадали Аҳмедов** (Муҳаммад Али)га — "Улуғ салтанат" роман-дилогияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

— **Эдуард Рубенович Давидов**га – "Ўзбекистон дурдоналари", "Хоразмнинг олтин ҳалқаси" телевизион фильмлар туркуми учун;

— **Қамара Шодмоновна Камолова, Шомирза Ғаниевич Турдимов, Муҳаммадисо Нусратуллаевич Абдухаиров**га — "Йўл бўлсин" бадиий фильми учун;

– **Холида Ҳафизовна Комилова**га — миллий кийимлар дизайни бўйича ишлари учун.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 23 август*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

МУСТАҚИЛЛИК · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
16
O'ZBEKISTON





**НОН — АЗИЗ НЕЪМАТ. ХАЛҚИМИЗ УНИНГ УШОҒИНИ ҲАМ ЭЪЗОЗЛАБ КЎЗИГА СУРТАДИ. ИССИҚ ВА СИФАТЛИ НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН НОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ, МОҲИР НОВВОЙЛАРНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИДИР.**



*Меҳнат жамоаларида*

## АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Шаҳримизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Сунбула-нон» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари ҳам ҳамшаҳарларимизга сифатли ва иссиқ нон ҳамда нон маҳсулотлари етказиб бериш йўлида эрта тонгдан кечгача яхши ният билан меҳнат қилишмоқда. Корхонада фаолият кўрсатаётган 54 нафар ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари боис бугунги кунга келиб маҳсулот турлари 32 хилга етди. Улар орасида буханка нон, патир, турли булочкалар, батон маҳсулотлари мазаси ва тўйимлилиги билан истеъмолчиларни мамнун этмоқда.

— Цехларимизга ўрнатилган маҳаллий ва Германиядан келтирилган линия ҳамда ускуналар маҳсулот сифатини таъминлашда, харидорларга нонларни ўз вақтида етказиб беришда катта аҳамиятга эга, — дейди корхона раҳбари Тоҳир Одилов. — Бир кеча-кундузда 10 тонна нон маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлаяпмиз. Фирма дўконимизда ҳам харидорлар учун барча шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш жараёнида энергияни тежамкорлик билан ишлатишга, маҳсулот сифатини қатъий назорат қилишга эътибор қаратамиз. Ўтган йилда олинган соф фойда 8 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични оширишга, нон маҳсулотлари турларини кўпайтиришга саъй-ҳаракат қилаяпмиз.

Тадбиркорлар Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида янги нон маҳсулотлари турларини аҳоли дастурхонига тортиқ этишади. Шунингдек, келгусида қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Бунинг учун четдан замонавий линиялар келтириш кўзда тутилган. Албатта, ушбу цехда ёшларга ишчи ўринлари ҳам яратилади. Асосан, Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳамда пойтахтимиз аҳлини ўз маҳсулотлари билан мамнун этаётган новвойлар маҳорат кўрсатишиб, Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлол шодиёнасини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: ҳар куни ўз маҳсулотлари билан хонадонлар дастурхонига қут-барака олиб кираётган корхона ишчи-хизматчилари фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳусанбой Аввалов олган суратлар**

МАТТИАС МАЙЕР:

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ҚАТЪИЙ ИШОНАМАН



**ГЕРМАНИЯ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАРИДАН. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ КЎПЛАБ СОҲАЛАРДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ. ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРИ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МАТТИАС МАЙЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.**

**— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, жумладан, сармоявий ҳамкорликни қандай баҳолайсиз ва уни кенгайтириш учун, сизнингча, яна қандай имкониятлар мавжуд?**

— Аввало, ушбу суҳбатни уюштирганингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Назаримда, бу ўринда нафақат Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи, балки уларнинг истиқболига оид масалаларга ҳам тўхталиб ўтсак, тўғри бўлади.

Ўтган йиллар мобайнида Германия Ўзбекистоннинг ғарбий ярим шардаги етакчи савдо-иқтисодий шериги ва ҳамкорига айланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми муттасил ошиб бормоқда: 2002 йилда у 214 миллион еврони ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 270 миллион еврога етди. 2006 йилнинг биринчи ярмида эса бу борада яна 10 фоизлик ўсиш қайд этилди.

Ўзбекистонда Германиянинг 55 компанияси фаолият юритмоқда, 15 компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар Германия иқтисодий клубига бирлашган.

Германия — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳалар амалга оширилаётган соҳалар қамрови анча кенг. Хусусан, «АББ» компанияси Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилишда иштирок этмоқда. «Кнауф» компанияси эса Бухоро вилоятидаги гипс заводини сотиб олди. Энди у ерда юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мисол тариқасида яна 2005 йилнинг августида қиймати 6,6 миллион еврога тенг «ТахТекс» тўқимачилик фабрикаси ишга туширилганини, «Пэкон» фирмаси томонидан қиймати 34,6 миллион еврога тенг ойна заводи очилганини, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Сименс Тохтер БФЕ» фирмасининг ускуналари билан жиҳозланганини ҳамда Ўзбекистон фермерлари томонидан Германиянинг «Клаас» компаниясида ишлаб чиқарилган ғалла ўриш комбайнлари сотиб олинаётганини ҳам айтиш мумкин.

**— Ўзбекистон билан Германия ўртасида кўплаб соҳаларда мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўзаро муносабатларнинг келажагини қандай тасаввур этасиз?**

— Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Германия билан йўлга қўйилган 15 йиллик ҳамкорлик мобайнида қарийб барча соҳаларда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Мен Ўзбекистондаги элчилик фаолиятим мобайнида юртингизнинг деярли барча ҳудудларини кўриш шарафига муяссар бўлдим.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи гузарида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида «Ўзбекистон — гўзал диёрсан» мавзуида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро маҳалласида «Мустақиллик ва аёл» мавзуида юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси, туман «Оила» маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги Тошкент ахборот технологиялари коллежида ўтказилган семинар-тренинг янги ўқув мавсумига тайёргарлик кўриш ва педагоглар малакасини ошириш масалаларига бағишланди.

● «**КАМОЛОТ**» ЁИҲ Марказий Кенгаши Етакчи ёшлар марказида «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида уюштирилган ўқув семинарида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб талаба бўлган ёшларга бериладиган имтиёзларнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА — ЯНГИ ТРАМВАЙЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗГА РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН "КТМ" РУСУМЛИ ТЎРТТА ЯНГИ ТРАМВАЙ ОЛИБ КЕЛИНДИ.**

"Тошэлектротранс" давлат компаниясидан маълум қилишларича, Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ тўйи арафасида яна йигирма олтита шундай трамвай Тошкент шаҳри кўчаларида пайдо бўлади.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

● **Кеча парламент юқори палатаси қўмиталарида Сенатнинг бўлажак ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалаларни кўриб чиқишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.**

●**Ўтган икки кун давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.**

● **Нукус шаҳрида «Ўзбекистонда меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси» мавзуида икки кунлик семинар уюштирилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.**

● **Истиқлол байрами арафасида Ромитан туманидаги 26-махсус мактаб-интернат жамоасига Президент совғаси — «Исузу» русумли замонавий автобус топширилди. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурига мувофиқ вилоятдаги шундай билим масканларининг яна тўрттасига янги автобуслар совға қилинди.**

● **Тошкентдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида БМТнинг Тараққиёт дастури ваколатхонаси томонидан чоп этилган «Ўзбекистоннинг қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш истиқболлари номли» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган аёл фермерлар учун ўқув семинари бўлиб ўтди.**

● **Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида 540 ўқувчига мўлжалланган Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг қурилиши якунланди. Ушбу замонавий ўқув маскани туманнинг Мевазор қишлоқ ёшлари учун республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллигига муносиб совға бўлди.**

● **Ҳиндистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Cotton road» Ўзбекистон-Туркия-Америка қўшма корхонасида «Дўстлигимиз муштарак» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.**

● **«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси вилоятларининг энг чекка ҳудудларида жойлашган 13 та маҳалла ва овулларга спорт анжомларини топширди.**

●**Тошкент вилоятида ғўза селекцияси масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.**

●**Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги ва «Нуроний» хайрия жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан 49 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг Самарқанд ва Бухоро шаҳридаги диққатга сазовор жойлар билан танишувлари уюштирилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Франция Президенти Николья Саркозининг дастлабки юз кунлик фаолияти ҳар томонлама юқори суръат кўрсатиш дея баҳоланди.**

● **Бағдодда Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайннинг 15 нафар издошлари устидан суд жараёнлари бошланди. Ироқ Олий трибуналининг қора курсисида Саддам Ҳусайннинг укаси — Кимёвий Али лақабини олган Али Ҳасан ал-Мажид ҳам бор.**

● **АҚШнинг Гуантанамо оролида қўлга олинган 45 Куба муҳожирининг 29 нафарини Венгрия қочқин сифатида қабул қилгани учун Куба мамлакати кескин норозилик билдирди. Бунга жавобан Венгрия Ташқи ишлар вазирлиги бу иш Кубанинг ташқи ишларига аралашиш эмас, балки муҳожирларга ачинганидан қилинганини таъкидлади.**

● **Венесуэла парламенти олти соатлик тортишувлардан сўнг биринчи ўқишда Президент Уго Чавес таклиф қилган Конституцияни ислоҳ этиш лойиҳасини маъқуллади. Конституцияга киритилган ўзгаришга мувофиқ, энди Президент олти эмас, балки етти йилга сайланади. Бундан ташқари, унинг неча марта кетма-кет сайланиши чегараланмайди.**

● **Пекин шаҳрида уч кунлик «Автомобилсиз уикэнд» деб номланган синов тадбири ўтказилди. Унга кўра, шаҳар аҳолисининг уч кун мобайнида зарурат бўлмаган ҳолда яёв юришига тўғри келади. Бундан кўзланган мақсад Хитой пойтахти ҳавосини заҳарли чиқиндилардан ҳимоя қилишдир. Агар синов муваффақиятли ўтса, бу каби тадбир 2008 йили Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари пайтида ҳам қўлланилади.**

● **АҚШнинг Флорида штатида божхона хизматчилари ва денгиз қўриқчилари катта миқдордаги гиёванд моддани қўлга киритдилар. Тинч океани қирғоқларида олиб борилган текширувлар натижасида беш тонна кокаин моддаси ортилган кичик сув ости кемаси аниқланди. Хавфсизлик кучлари кема бортидаги тўрт нафар жиноятчини қўлга олдилар.**

● **Россия археологлари томонидан Свердловск вилоятида жуда ноёб топилма— шоҳ Николай IIнинг ҳозиргача дафн жойи номаълум бўлган икки фарзанди — ўғли Алексей ва қизи Мариянинг ҳоки топилганлиги тахмин қилинмоқда. Икки-уч ой давом этадиган батафсил тадқиқотлардан сўнг ушбу масалага аниқ нуқта қўйилади.**





*Кўргазмалар*

# ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ АСАРЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА АЙНИ КУНЛАРДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН «ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ШОҲ АСАРЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МУЗЕЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР КЎРГАЗМА АЙСЕСКО ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЮШТИРИЛДИ.**

Кўргазмада Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги 13 та бетакрор қўлёзмалар ва 15 та миниатюра намойиш этилмоқда. Улар XIV асрдан бошлаб XIX аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига қамраб олган. Баъзи бир қўлёзмаларнинг намуналари бошқа кўргазмаларда ҳам намойиш этилган бўлса-да, бу ҳажмдаги бундай кўргазма Ўзбекистонда биринчи маротаба ташкил этилмоқда. Маълумки, шарқ қўлёзма китоблари нафақат бир инсон томонидан,балки бирлашган жамоа, яъни хаттотлар, рассомлар, нақкошларнинг меҳнат маҳсули бўлган. Қўлёзмалар жанр бўйича турли хил бўлиб, улар шеърият ва олимларнинг илмий асарларига бағишланган. Мазкур кўргазманинг экспонатлари турли миниатюра мактабларининг хаттотлик санъатининг ўзига хос йўналишини, Султон Али Машҳадий, Мир Али Херавий каби буюк хаттотларнинг, иқтидорли миниатюрачи рассомлар асарлари, хатлари ва қатор манзарали безакларини кенг намойиш этади. Бу кўргазмадан такрорланмас қўлёзма асарлари, яъни Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (ХУ аср, Ҳирот), Алишер Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» (қўлёзма Султон Ҳусайн кутубхонаси учун яратилган,ХУ аср), Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг миниатюра намуналари (ХУ) аср ва шу каби бошқа асарлар ўрин олган. Олимларнинг маълумотларига кўра, баъзи миниатюра асарларнинг яратилиш жараёнида Камолиддин Беҳзод ҳам иштирок этган.

Ўйлаймизки, ушбу кўргазма «Шарқ қўлёзмалари шоҳ асарлари» номи билан аталган бир қатор кўргазмалар туркумининг очилишига туртки бўлиб, Шарқ қўлёзма китоблари маданияти, тарихи томошабинлар қалбидан ўрин эгаллайди. Такрорланмас қўлёзма асарлар яратишда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот мактабларининг ўрни катта бўлиб, унинг ривожига эса бизнинг буюк шоирларимиз, хаттотларимиз, миниатюрачи рассомларимиз, наққошларимиз ҳам катта ҳисса қўшганларидан фахрланамиз албатта.

Кўргазма шу йилнинг 9 сентябрига қадар давом этади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

*Спорт янгиликлари*

## МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

**2008 ЙИЛИ ПЕКИНДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ФУТБОЛ БАҲСЛАРИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН УЧ ЙЎЛЛАНМАДАН БИРИГА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ САФАРДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ОЛИМПИЯЧИЛАРИ БИЛАН КУЧ СИНАШДИ.**

Учрашув мезбонларнинг тезкор ҳужумлари остида бошланган бўлса-да, ўз ишончли ҳаракатлари билан майдон марказида устунликка эришган футболчиларимиз биринчи бўлимга қўшиб берилган дақиқаларда ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Бу вазиятда кореяликлар сардори Ким Жинкю ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди.

Иккинчи бўлимни янада уюшқоқлик билан бошлаган вакилларимиз Вагиз Галиулиннинг австралиялик ҳакам томонидан майдондан четлатилгунига қадар, ғалабага бўлган ишончларини барчага намойиш этишди. Ўн киши бўлиб қолган жамоамиз дарвозасига 71 ва 78-дақиқаларда икки бор тўп киритилди. Шундай қийин вазиятда бўлишларига қарамай, футболчиларимиз яна ҳужумга зўр беришди. Лекин, ҳисоб ўзгармади.

Украина пойтахти Киев шаҳрига сафар уюштирган Ўзбекистон терма жамоаси Олег Блохин шогирдларига қарши майдонга тушиб, рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Учрашувда украиналиклар 2:1 ҳисобидаги ғалабага эришдилар.

**Боҳир БЕК**

**СУЗИШ БЎЙИЧА СЕРБИЯДА УЮШТИРИЛГАН ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТ МУСОБАҚАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

## СЕРБИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

2008 йил ёзида Пекин шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу баҳсларда Беларусь, Македония, Ўзбекистон ва Сербиядан келган 200 нафар сув спорти усталари барча йўналишларда муросасиз, қизғин кураш олиб боришди.

Ҳамюртларимиздан Сергей Паньков 100 ва 200 метрларга чалқанча ҳамда 200 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, 100 ва 200 метрга баттерфляй сузишда Олег Ляшко, 200 метрга эркин усулда сузишда Петр Ромашкин иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Яна бир вакилимиз Равиль Начаев 50 ва 100 метрга эркин усулда сузишда учинчи ўрин билан кифояланди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**
**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ !**

Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани М.Ўрозбоев кўчаси 1- а ўй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибида, 2007 йилнинг 25 сентябрь ва 2, 9, 16, 23 октябрь кунлари соат 11:00 да қуйидаги автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

| Т/Р | Автотранспорт воситаси номи | Бошланғич нархи (сўм) | Суд ижрочиси | Суд органи | Ижро ҳужжати № | Манзили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "AUDI 80" русумли, д/р X811LVM, 1989 йилда и/ч, техник соз | 4 500 000 | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими | ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди | 27.04.2007 й. №462 ижро варақаси | Чилонзор тумани, "Шахстрансхизмат" МЧЖ |
| 2 | "Nissan Primera" русумли, д/р X670PVM, 1991 йилда и/ч, техник носоз | 6 500 000 | Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими | ЖИБ Шайхонтоҳур туман суди | 12.06.2006 й, №1126 ижро варақаси | Тошкент шаҳар Себзор автомобиллар сақлаш майдончаси |
| 3 | "ВАЗ 2106" русумли, д/р 30O7028, 1989 йилда и/ч, техник носоз | 1 253 000 | Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими | ЖИБ Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман суди | 18.05.2007й, №1-295/07 ижро варақаси | Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази (Бектемир тумани) |
| 4 | "ВАЗ 2103" русумли, д/р 11F6096, 1977 йилда и/ч, техник носоз | 777 000 | | ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди | 21.07.2006й, №1-323 ижро варақаси | |

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН: 200933850, 20210000700571452067 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ОМАД АГАР ЭШ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ! КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ!

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

Кўчмас мулк кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

**«АВТОУСТОЗ»**

**ЎҚУВ КОМБИНАТИ АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШНИ ЎРГАТУВЧИ УСТА ЛАВОЗИМИГА ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**ТЕЛ: 117-19-52**

**Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага бераман. 157-62-48, 332-64-65.**

Почта алоқаси корхонасига почта ва матбуотларни Республика вилояти марказларигача етказиб бериш учун дизел ёқилғида ишлайдиган юк автоуловларга, иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган профессионал ҳайдовчилар

**ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Туркистон кўч, 4-уй. Кадрлар бўлими.
Тел: 133-95-33
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почтамп» филиали маъмурияти.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

*Мунажжим башорати*

**25 АВГУСТ, ШАНБА**

**Мунажжим Лидия Неведомская бугунги кун адолатга интилиш ва ишларда омад ёр бўладиган кун, дея таърифлайди. Марс билан Меркурий ўртасидаги муҳолифлик алоқаси ҳамда Зуҳро билан Нептун ораларидаги зиддиятли муносабатлар транспорт ҳалокатлари ва йўқотишлардан огоҳлантиради.**

Ойнинг бугунги ҳолати организмнинг ёшариши билан боғлиқ бўлади. Тонг шафағини кўриш янги танишувларга ишора.

**БУГУН:**

— эски ишларни давом эттириш;
— ҳар қандай вазиятда оқилона фикрлаш қобилиятини сақлаб қолиш;
— парҳез, режимга риоя этиш, саломатлигингизни асраш;
— спорт билан, енгил жисмоний меҳнат билан шуғулланиш тавсия этилади.

Янги ишга қўл уриш,туйғуларга ишониб иш кўриш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашишдан ўзингизни тийинг.

ТВ O'ZBEKISTON TOSHKENT SPORT РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛ

## ДУШАНБА, 27

### Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Фориш».
«Болалар сайёраси»:
9.25 1. «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». В/ф. 1-қисм.
2. «Широқ». Мультфильм.
10.20 «Уч бека». Т/с
10.55 Минг бир ривоят.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Саломатлик сирлари».
11.35 «Марғилон – 2000».
11.40 «Майсаранинг иши». Б/ф. 1-қисм.
12.45 «Майсаранинг иши». Б/ф. 2-қисм.
13.45 Вилоят наволари.
13.55 Эски альбом.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Йўлдаги суҳбатлар».
14.45 «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа фестивалидан лавҳалар.
15.25 «Ватанпарвар».
16.25 «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
17.30 «Оҳанглар оғушида».
17.40 «Вафонинг узун йўли».
18.05 «Менга барибир эмас». Б/ф. 1-қисм.
18.45 «Сизнинг адвокатингиз».
18.55 «Бу менинг Ватаним!»
19.30 «Ахборот» (русча)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Миллий сериал: «Буюк Амир Темур».
20.35 Минг бир ривоят.
20.40 Олтин мерос.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Кўнгил риштаси». Т/с
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS)
23.20 Миллий сериал: «Ўч». 13-қисм. «Uzbekistan».
00.10 «Диёрим табиати».
00.20 «Шарқ тароналари». Лавҳалар.
01.00 «Ахборот».
01.30 «Чемпион сирлари».
01.50 Миллий кино: «Майсаранинг иши».
03.50 Олтин мерос.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Фориш».
05.00 «Марғилон – 2000».
05.05 «Минг бир ривоят».
05.10 Миллий сериал: «Буюк Амир Темур».
05.35-5.55 Тонгги наволар.

### Ёшлар

18.00 «Нафосат олами».
18.10 «Якшанба нонуштаси».
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «UzEX хабарлари»
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ҳаёт эртаги». Т/с
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 «ТВ-банк».
20.25 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Т/с.
21.35 «Биз киммиз?»
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Т/с.
23.40 – 23.45 «Таскин».

### Тошкент

17.55 М/ф. «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Т/с.
19.25 «Тв юрист».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт».
20.15 «ТВ юрист».
20.20 «Возможно они сошли с ума».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино: «Радио».

### Спорт

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «Фазенда».
11.00 «Мониторинг».
11.20 «Ким нимага қодир?»
11.40 - 12.20 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (русча)
18.50 «Жди меня».
19.40 Футбол шарҳи.
20.00 «Чужие тайны». Т/с.
20.45 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзбекча)
21.50 «Дела семейные». Т/с.
22.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Пахтакор».

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00 Новости.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Контрольная закупка».
10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.25 «Детективы».
13.25 «Фазенда».
14.15 «Понять. Простить».
14.50 «Лолита. Без комплексов».
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Жди меня».
18.05 «Татьянин день».
18.55 «Убойная сила».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Золотой теленок». Сериал.
21.25 «Господа офицеры». Сериал.
22.25 «Гении и злодеи».
23.00 «На ночь глядя»
23.50 «Разведка 2020». Х/ф.
1.25, 2.30 «Рожденный защищать». Х/ф.

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 Сериал. «Государственная граница».
9.45, 10.30, 13.20 16.20, 18.40 23.45, 3.40 Вести.
10.00, 13.00, 16.00 Вести.
10.50 «Суд идет».
11.55 «Том и Джерри. Детские годы».
12.35 «Ну, погоди!».
13.40 «Марш Турецкого».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.40 «Танго втроем».
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.00 Вести.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
19.55 «Тюрьма особого назначения».
22.40 «Народный маркиз. Игорь Дмитриев».
00.05 «Очевидное - невероятное».
00.40 «Дорожный патруль».
00.55 «Профессионалы». Х/ф.
2.25 «Евроньюс».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.20 «Их нравы».
9.55 «Кулинарный поединок».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.40 Сериал. «Кодекс чести - 3»
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 00.45 Сериал. «Возвращение Мухтара-2».
18.35 «Гончие».
19.40 «Эра Стрельца».
20.40 Сериал. «Улицы разбитых фонарей».
22.10 Сериал. «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...-3».
23.15 Сериал. «Зона».
00.05 «Победившие смерть». Док. сериал.
2.30 «Криминальная Россия».
3.00 Х/ф. «Истребители».
4.35 «Альф-i».

### «СТС»

7.00 «Школа «Черная дыра». Х/ф.
7.45 «Великан - эгоист». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 19.00 «6 кадров».
8.30, 10.30, 18.00, 22.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00"Дочки-матери». Х/ф.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 19.30 «Кто в доме хозяин?».
12.00 «Безмолвный свидетель».
13.00 «Сваха».
13.30 «Нострадамус».
14.30 «Охотники за привидениями». М/ф.
15.05 «Скуби Ду». М/ф.
15.30 «Приключения Гекльберри Финна». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Приключения Тома и Джерри». М/ф.
17.00 Комедия «Лиззи Магуайер».
17.30 «Галилео».
23.00 Кино «Смотрите, кто заговорил «.
1.30 «Паразиты».
2.30 Комедия «100 подвигов Эдди Макдауда».
3.15 Кино «Ниндзя-3. Подчиненные».
4.45 «Миссия ясновидения». Х/ф.
5.30 «Секретные агенты «. Х/ф.
5.50 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф.«Если туфелька не жмет».
12.00 Х/ф «Последнее дыхание».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жизни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
15.00 Х/ф «Без вести пропавшие».
17.00 Х/ф «Багровый шторм».
20.00 Сериал «Линия защиты».
21.00 Сериал «Одна тень на двоих».
22.00 Х/ф «Пожиратель змей».
24.00, 2.30 Сериал «Байки из склепа».
00.30 Х/ф «Проклятие-2».
3.00 Культ наличности.
6.00 Relaks.

## СЕШАНБА, 28

### Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 1. «Уйла, Изла, Топ!»
2. «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». В/ф. 2-қисм.
10.00 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
10.15 Миллий сериал: «Буюк Амир Темур».
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «ТВ шифокор».
10.55 Минг бир ривоят.
11.00 «Ахборот».
11.15 Миллий сериал: «Ўч». 13-қисм.
11.55 «Марғилон – 2000».
12.00 «Ахборот» (инглизча)
12.10 «Қандай гўзал бу дунё».
12.30 «Одамлардан бири».
12.55 «Кўнгил риштаси». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
15.10 «Интеллектуал ринг».
15.55 «Йўлдаги суҳбатлар».
16.25 «Азизим».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
17.30 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.50 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Менга барибир эмас». Б/ф. 2-қисм.
18.45 «Банк ва бизнес янгиликлари».
18.55 «Бу менинг Ватаним!»
19.20 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (русча)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Миллий сериал: «Буюк Амир Темур».
20.40 Олтин мерос.
20.50 Минг бир ривоят.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Кўнгил риштаси». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS)
23.20 Миллий сериал: «Ўч». 14-қисм. «Uzbekistan».
00.10 «Бу менинг Ватаним!»
00.40 «Ўзбек спортининг 16 фасли».
01.00 «Ахборот».
01.30 «Янги кун».
02.30 «Мўйқалам сеҳри».
03.00 «Ахборот»
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Одамлардан бири».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Ушалган орзулар».
05.00 «Марғилон-2000».
05.05 «Минг бир ривоят».
05.10 Миллий сериал: «Буюк Амир Темур».
05.40-05.55 Тонгги наволар.

### Ёшлар

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Алпомиш». М/с.
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» .
9.20 «Ҳаёт эртаги». Т/с.
9.50 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Шу кунларга етказганига шукр!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «Чемпион сирлари».
12.10 «Ишкомли уй». Т/с.
12.50 «Иқлим».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам – барчамизники!»
13.20 «Нафосат олами».
13.30 «Келажак овози» ёзги оромгоҳи.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Т/с.
15.50 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Остона».
17.15 «Таълим ва тараққиёт».
17.30 «Мўйқалам сеҳри».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Алпомиш». М/с.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ҳаёт эртаги». Т/с.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ҳаёт сўқмоқлари».
20.40 «Бу байрам – барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Т/с.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Т/с.
23.40 – 23.45 «Таскин».

### Тошкент

7 30 Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Т/с.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова». Т/с. 23-қисм.
9.55 «Аёл қалби».
10.10 «ТВ юрист».
10.15 «Шукрона».
10.20 «Мусиқа SMS».
10.40 «Ўйларим».
10.50 «Интервью».
11.00 «Саломат бўлинг».
11.10 «Туризм ҳақида».
11.40 «Тв юрист».
11.50-13.30 Кино: «Радио».
17.55 М/ф: «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Т/с.
19.25 «Тв юрист».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт».
20.15 «ТВ юрист».
20.20 «Возможно они сошли с ума».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Самарқанд-2750 ёшда». 1-қисм.
22.30 «Пойтахт».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино: «Дурдом на колесах».

### Спорт

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (русча)
8.20 М/ф.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзбекча)
10.20 «Фазенда».
10.50 «Болалар спорти».
11.05 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
11.55 Волейбол. Мировой Гран-при. Финал.
12.35 – 13.15 Пляж футболи. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» - «Қурувчи».
19.30 «Хабарлар» (русча)
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Чужие тайны». Т/с.
20.45 Белбоғли олиш кураши бўйича халқаро турнир.
21.10 Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзбекча)
21.50 «Дела семейные». Т/с.
22.45 Еврофутбол.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00 Новости.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Контрольная закупка».
10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.25 «Детективы».
13.25 «Фазенда».
14.15 «Понять. Простить».
14.50 «Лолита. Без комплексов».
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Татьянин день». Сериал.
18.55 «Убойная сила». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Золотой теленок». Сериал.
21.25 «Господа офицеры». Сериал.
22.25 «Фабрика звезд».
22.55 «На ночь глядя».
23.40 «Доброй ночи».
00.40, 2.30 «Не оглядывайся назад».
2.55 «Русская звезда Голливуда».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 «Этот пылкий влюбленный. Владислав Стржельчик».
7.55 «Крот». Сериал.
9.45, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.00, 10.30, 13.20, 16.20, 18.40, 23.45, 3.40 Вести. Дежурная часть
10.50 «Суд идет».
11.55 «Том и Джерри. Детские годы». Мультсериал.
12.35 «Ну, погоди!». Мультфильмы.
13.40 «Марш Турецкого». Сериал.
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.40 «Танго втроем». Телесериал.
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
19.55 «Тюрьма особого назначения». Сериал.
22.45 «Первый Патриарх».
00.05 «Синемания».
00.35 «Я - судья». Х/ф.
2.55 «Дорожный патруль».
3.05 «Встреча выпускников». Х/ф.

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.05 Сериал «Театр обреченных».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Чистосердечное признание».
9.55 Сериал. «Тамбовская волчица».
12.30, 18.35 Сериал. «Гончие».
13.30, 19.40 Сериал «Эра Стрельца».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 2.10 Сериал. «Возвращение Мухтара-2».
20.40 Сериал. «Улицы разбитых фонарей».
22.10 Сериал. «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...-3».
23.10 Сериал. «Зона».
00.10 «Top gear». Программа про автомобили
00.40 Хоккей. Россия-Канада.
3.45 Сериал. «Аэропорт».
4.35 Мультсериал «Альф-i».

### «СТС»

7.00 «Школа «Черная дыра»». Х/ф.
7.45 «Великая битва слона с китом». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 19.00, 00.35 «6 кадров».
8.30, 10.30, 18.00, 22.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Х/ф.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 19.30 Комедия «Кто в доме хозяин?».
12.00 «Безмолвный свидетель».
13.00 Комедия «Сваха».
13.30 «Нострадамус».
14.30 «Охотники за привидениями». М/ф.
15.05 «Скуби Ду». М/ф.
15.30 «Приключения Гекльберри Финна». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Приключения Тома и Джерри». М/ф.
17.00 Комедия «Лиззи Магуайер».
17.30 «Галилео».
23.00 Кино «Смотрите, кто заговорил-2».
1.30"Паразиты».
2.30 «Щит». Х/ф.
3.15 Кино «Месть ниндзя».
4.45 «Миссия ясновидения». Х/ф.
5.30 «Секретные агенты «. Х/ф.
5.50 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фольксваген-жук - 2».
12.00 Х/ф «Лучший день в моей жизни».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жизни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
15.00, 20.00 Сериал «Линия защиты».
16.00, 21.00 Сериал «Одна тень на двоих».
17.00 Х/ф «Свадебный распорядитель».
22.00 Х/ф «Пожиратель змей-2».
24.00, 2.30 Сериал «Байки из склепа».
00.30 Х/ф «Гаргульи».
3.00 Культ наличности.
6.00 Relaks.

## ЧОРШАНБА, 29

### Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Чустга хуш келибсиз».
«Болалар сайёраси»:
9.20 «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». В/ф. 3-қисм.
10.00 «Шарқ тароналари» фестивали

*(Давоми 4-бетда)*

